



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2015 йил 24 июль, жума

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 151 (12.964)

Баҳоси эркин нарҳда

БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!

24
ЎЗБЕКИСТОН

ПОЙТАХТНИНГ БИР
КУНИ



«NAFIS TEKSTIL»НИНГ ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТЛАРИ

Истиқлол йилларида энгил саноат корхоналарини ривожлантириш борасида самарали лойиҳалар ва кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Тармоқда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифат ва самардорлигини ошириш, рақобатбардошлигини таъминлаш борасида кўплаб изланишлар олиб борилади. Натижада ички бозоримиз сифатли трикотаж ва тўқимачилик маҳсулотлари билан тўлдирилди. Ушбу йўналишдаги экспорт кўлами кенгайди.

Биргина мисол, 1991 йилда республикада ишлаб чиқарилган пахта толасининг мамлакат ичкарисидида ишлаб чиқариладиган ҳажми етти фоизни ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб 44 фоизга етди. Тармоққа замонавий технологиялар ва асбоб-ускуналарнинг жалб этилиши экспорт кўламининг кескин ўсишига олиб келди.

Дарҳақиқат, бугун бошқа йўналишлар қатори энгил саноатимиз ҳам жадал ривожланиб бораётган. Бозор ва дўконларимиз пештахталарида турган бежирим кийим-кечакларнинг аксарияти ўзимизда ишлаб чиқарилган. Юртимиз корхоналари томонидан тайёрланаётган трикотаж маҳсулотлари экспорт товарлар билан бемалол рақобатлашмоқда.

Яратилаётган қулай шароит ва имкониятлар натижа-сида сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқараётган корхоналар сон кўп сайин кўпайиб бормоқда. Юнусобод туманидаги «Nafis tekstil» масъулияти чекланган жамияти ана шундай кичик бизнес субъектлари-дан биридир.

Фаолиятини 2005 йилда бошлаган мазкур корхонада аёллар ва эркеклар, ёшлар ва катталар учун мавсумий кийим-кечаклар, бош кийимлар, қўлоқлар ва бошқа турдаги жами 20 хилдан ортиқ маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётган.

Юртимизда тадбиркор ва ишбилармонлар учун барча қулайликлар: корхона очиши, маҳсулот экспортими, четдан хомашё ёки технология келтириши, хуллас, барча имкониятлар яратилган. — дейди корхона раҳбари Саидхон Азизов. — Дастлабки йилларда бироз қийинчиликларга дуч келган эдик, ammo имкониятлардан фойдаланиб ўзимизни тиклаб олдик. Ҳозир сифат-

га катта эътибор қаратмоқдамиз. Чунки, бугунги кунда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш билангина ўйланган мақсадга эришиш мумкин.

«Nafis tekstil» масъулияти чекланган жамиятида Япониядан келтирилган технологиялар ёрдамида ўтган йили 52 минг дон маҳсулот ишлаб чиқарилди. Жорий йилда бу кўрсаткични 60 мингтадан ошириш режалаштирилган. Хар бир тайёр товарнинг тикилиш сифати, ўрами ва бошқа жиҳатлари махсус текширувдан ўтказилади. Микдорга эмас сифатга эътибор қаратилаётганига боис ушбу кийим-кечаклар бозорда ўз харидорига эга.

Ҳозирда мазкур корхонада 15 нафардан ортиқ одам меҳнат қилмоқда. Халқимизда тикиш-бичиш билан асосан аёллар шуғулланиши барчамизга яхши маълум. Ушбу жамиятда ҳам ишчиларнинг аксарият қисмини хотин-қизлар ташкил этади. Феруза Азизова — улардан бири.

— Мана шундай қулай шароитда ва ўзимизга маъқул бўлган жойда ишлаб, оиламиз фаровонлигига ҳисса қўшаётганимиздан барчамиз мамнунмиз, — дейди Феруза опа. — Иш жойимиз маҳалламизга яқин бўлганлиги ҳам биз учун яна бир яхши томони. Ходимлар учун тушлик ва меҳнат қилиш учун барча шароитлар яратилган.

Шахримизда ташкил этилаётган турли кўргазмалар, кооперацион биржа ва кўрик-танловларда иштирок этиб келаётган «Nafis tekstil» жамоаси ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати ва саломатини янада ошириш йўли-да изчил ишларни давом эттирмоқда. Ундан қўзланган мақсад маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш ва келажакда экспортни йўлга қўйишдир.

Абдуалим САЛИМОВ
Ислом Исмоилов олган сурат

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли иттиҳодлар самарасида ҳаётимизда юз берган оламшумул ўзгаришларни узоғимизни яқин қиладиган транспорт воситаларию равон йўллар мисолида ҳам аққол кўриш мумкин. Эндиликда учқур поездду автомобилларда манзилга бирпасда етиб олиш, наинки юртимиз шаҳарлари, балки узоқ хориж ўлкаларига ҳам бориб-келиш одатий ҳолга айланди. Шуларнинг ўйлар экран халит, беихтиёр яқин ўтмиш кўз олдимизда гавдалашди. Бундан чорак аср муқаддас вақтлардан бери воқзалларда, автостанцияларда уззукун улов қутган, «йўл азоби — гўр азоби» дея ўз-ўзига тасалли берган йўловчилар сизу биз эмасмидик?!

ЙЎЛ ҚҮРМОҚ — САВОБ, ЙЎЛ ЮРМОҚ — РОҲАТ

Олтин кўприк

Асрлар мобайнида Шарқ ва Фарб ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни таъминлаб келган Буюк Ипак йўлида Ўзбекистоннинг тутган ўрни тарихий солномаларда қайд этилган. Бугун дунё иқтисодиётидаги глобал ўзгаришлар, хусусан, жаҳон бозорларида товарларни етказиб беришда янги йўналишларнинг пайдо бўлиши натижасида Буюк Ипак йўли аъёнлари қайта тикланар экан, Ўзбекистон нафақат Шарқ ва Фарб, балки Шимол ва Жанубни ҳам боғлайдиган «олтин кўприк»ка айланди.

Мамлакатимизда йиғирмата халқаро транспорт йўналиши мавжуд бўлиб, улар орасида «Е-40» ва «Е-60» халқаро автомо-

биль йўллари Фарбий Европа мамлакатлари-ни Шарқий Осиё давлатлари билан боғлашда стратегик аҳамиятга эга автомобиль йўллари ҳисобланади.

Айни чоғда қурилиши жадал давом этаётган Ўзбек миллий магистралли ҳам катта халқаро аҳамиятга эга. Қўнирот орқали Россия ва Шарқий Европа мамлакатларига бориш учун яқин ва қулай йўлга миллий магистрал шарқда Ўш—Қашқар автойўли билан боғланиб, Хитойда Буюк Ипак йўли бўйлаб қурилаётган тезузар автомобиль йўлига туташади. Фарб ва жанубда Хинд ярим ороли, Жанубий Осиё ва Яқин Шарқ, Фарбий Европа мамлакатларини боғлаб турувчи мавжуд йўллар ҳамда келажакда қури-лажак йўллар билан боғланади.

Автомобиль йўлларининг маҳаллий аҳамияти ҳам салмоқли ўрин тутди.

Миллий иқтисодиётнинг жадал ривожланиши туфайли автомобиль йўлларига бўлган эҳтиёж тобора ортмоқда. Маълумотларга кўра, иқтисодий ўсиш йилига 8 фоизни ташкил этган тақдирда автомобиль транспорти орқали юк ташиш ҳажми йилига 9,4 фоизга ошиб боради. Натижада автомобиль йўллари орқали ташилладиган юклар 2030 йилга бориб 4,6 маротаба ошади.

Равон йўллар

Маҳалламиздаги Зиёвуддин ака Бухорога бориб келиб, йўл таассуротлари ҳақида сўзлаб берди:

«Матиз»да отланаётганимни эшитиб, баъзи танишларим «Йўл узоқ, қийналмасизми?» деди. Лекин сафар давомида йўлларимизнинг равонлигини кўриб, ҳавасим ортди. Йўлни қўятуринг, йўл четларидидаги белгилар тўғрисида билан ўрнатилгани, автомобилга ёнилғи қўйиш, дам олиш, овқатланиш учун шароитлар яхшиланиб бораётганини кўриб қувончим ичимга симади. Бугунги йўлларимизни кўриб, одамнинг ҳар қуни сафарга чиққиси, истиқлол ша-рофати билан кун сайин чирой очиб бораётган шаҳарларимизни зиёрат қилгиси келади.

Дарҳақиқат, кенг ва равон йўллар юртимизда йўлсозлик тобора ривожланаётгани, йўл қурилиши борасида энг замонавий талаблар асосида иш тўтилаётганидан далолатдир. Бугунги кунда Ўзбекистондаги мавжуд 183 минг километрдан зиёд автомобиль йўлининг 42,6 минг километри халқаро, мамлакат ва вилоят аҳамиятига молик умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари экани йўлсозлик кўлами нечоғли кенглигидан далолатдир.

(Давоми 2-бетда)

Диққат, танлов!

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Журналистлар ижодий уюшмаси, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, «Ўзбекино» Миллий агентлиги, Бадий академия, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамда Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ёзувчи ва шоирларни, журналистлар, тасвирий ва кино санъати намояндаларини эркин, озод ва фаровон ҳаётимиз, гурур-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи — мамлакатимиз мустақиллигининг йиғирма тўрт йиллигига бағишлаб ўтказиладиган «Энг улуг, энг азиз» аънавий танловига таклиф этади.

Танловга «Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!» деган эзгу ғояни ўзида муҳасам этган ижодий асарлар қабул қилинади.

«Энг улуг, энг азиз» танлови қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

- ёзувчи ва шоирларнинг бадий асарлари;
- босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари;
- телевидение ва радио ижодкорларининг матери-аллари;
- тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн иш-лари;
- кино санъати асарлари.

Танловга тақдим этилган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғри-сида қисқача маълумот;
- муаллифнинг паспорти нусхаси;
- иш жойидан тавсиянома;
- муаллифнинг манзили ва боғланиш телефонла-ри.

Танловга 2014 йилнинг 1 августидан 2015 йилнинг 1 августигача бўлган даврда чоп этилган бадий асар-лар, газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, радио ва телевидение каналларида эфирга узатилган материаллар, на-мойиш этилган тасвирий ва кино санъати асарлари жорий йилнинг 5 августигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари Ватанимиз мустақиллигининг йи-гирма тўрт йиллик байрами арафасида мукофотла-надиладилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қи-лади.

Ижодий ишлар «Энг улуг, энг азиз» танловига деб кўрсатишдан ҳолда қуйидаги манзилга юборили-ши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси,
Ўзбекистон «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси.
Телефонлар: 244-12-61; 244-64-61; 244-27-79.



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Наманганда «Глобаллашув ша-роитида ёшларнинг медиа-саводхон-лигини ошириш» мавзусида респуб-лика илмий-амалий семинари бўлиб ўтди. Халқ таълими тизимида медиа-таълимни ривожлантириш, глобалла-шув шароитида ёшларни ахборот ху-ружларидан ҳимоя қилиш, ўқувчилар-да медиаиммунитетни шаклланти-риш, маънавий таҳдидларга қарши курашишда ёшларнинг интернет ма-даниятини юксалтириш каби долзарб мавзуларда маърузалар тингланди.

● Навоийда жорий йилнинг бирин-чи ярмида вилоятни ижтимоий-иқти-содий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вази-фаларига бағишланган фаоллар йи-гилиши бўлиб ўтди.

● Қашқадарёда жорий йилнинг би-ринчи ярмида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015-2019 йилларда иқтисодиёт-ни янада ислоҳ қилиш, таркибий қайта ўзгартириш ва диверсифика-циялаш дастурларини амалга оши-риш бўйича тизимли ишларни таш-кил этишга бағишланган фаоллар йи-гилиши бўлиб ўтди.

● Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» респуб-лика кўрик-танловининг вилоят бос-қичи бўлиб ўтди. Кўрик-танлов Ватан-га садоқат, унинг тақдирига дахл-дорлик ҳисси билан йўғрилган, маз-мунан теран, бадий савияси балан-д қўшиқлар яратишни рағбатлантириш, ёшларда юртга садоқат ва муҳаббат туйғуларини камол топтириш мақса-дида ўтказилиб, Ватанни шарафлай-диган, маҳорат билан ижро этилган ижод намуналарини танлаб олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

● Халқ таълими вазирлиги томони-дан Сирдарё вилоятидаги мактабга-ча таълим муассасаларида болалар-ни қисқа муддатли мактаб таълими-га тайёрлаш тажрибаси билан яқин-дан таништириш мақсадида омма-вий ахборот воситалари ходимлари учун медиа-тур ташкил этилди.

ЖАҲОНДА

● Хиндистонда 600 минг тоннадан зиёд захирага эга иккита уран кони очилди. Конлар Андрха-Прадеш шта-тининг Кадапа округида ва қисман қўшни Теленгана штати ҳудудида то-пилган.

● Бангладешда рўй берган икки автохалокат оқибатида 15 киши ҳаёт-дан кўз юмди. Йўллар сифати талаб-га жавоб бермаслиги, транспорт эс-килиги ва эҳтиётсизлик билан маши-на ҳайдаш туфайли юқоридаги каби автохалокатлар тез-тез содир бўлиб туради.

● Chevrolet компанияси 2016 мо-дель йили учун Silverado пикапининг илк фотосуратини эълон қилди. Янги автомобилнинг ташқи кўриниши ўзгарган ва мультимедиа мажмуаси такомиллашган. Пикапга туманга қарши светодиодли фаралар ва кун-дузги чироқлар ўрнатилган, шунинг-дек, кузовнинг олд қисмига хромли қурилма қўшилган. Бундан ташқари, Silveradонинг капоти ва олд бампе-ри кўриниши ҳам ўзгарган.

ТЕЛЕДАСТУРЛАР

04.00 Телеканал «Доброе утро»
07.00 Новости
07.05 «Наедине со всеми»
08.00 Новости
08.10 Контрольная закупка
08.35 «Жить здорово!»
09.35 Модный приговор
10.30 Фазенда
11.00 Новости
11.35 Т/с «Дом с лилиями»
12.25 «Без свидетелей»
14.00 Новости
14.20 «Мужское/Женское»
16.05 «Наедине со всеми»
17.00 Вечерние новости
18.00 «Давай поженемся!»
19.00 Пусть говорят
20.00 «Время»
20.30 Т/с «Дом с лилиями»
22.25 Т/с «Крестный»
00.15 Х/ф «Бумбараш»
02.00 Новости
02.05 Х/ф «Бумбараш»
02.35 Модный приговор

НТВ

05.00 Солнечно. Без осадков
07.10 Т/с «Возвращение Мухоморова»
09.00, 12.00, 15.00, 18.00, 22.30
Сегодня
09.20 Т/с «Дорожный патруль»
11.00 Суд присяжных
12.20 Суд присяжных. Окончательный вердикт
13.30 Обзор. Чрезвычайное происшествие
14.00, 15.20 Т/с «Москва. Три вокзала»
18.40 Т/с «Одиссея сыщика Гурова»
20.30 Т/с «Шеф»
22.50 Т/с «Защита и порядок»
01.50 Клубный вопрос
01.55 Т/с «Брачный контракт»
03.55 Все будет хорошо!

12.55 «Особый случай»
14.50 Вести. Дежурная
часть.
15.00 Т/с «Марына роцца»
18.15 «Прямой эфир»
20.50 «Спокойной ночи,
малыши!»
21.00 Т/с «Своя чужая»
22.55 Т/с «Чужое гнездо»
00.50 Х/ф «И снова Ани-
скин» 3 с.
02.15 Т/с «Прости меня,
мама»
04.05 «Комната смеха»

НТВ

05.00 Солнечно. Без осад-
ков
07.10 Т/с «Возвращение
Мухомара»
09.00, 12.00, 15.00, 18.00,
22.30 Сегодня
09.20 Т/с «Дорожный па-
туль»
11.00 Суд присяжных
12.20 Суд присяжных.
Особо важный вердикт
13.30 Обзор. Чрезвычай-
ное происшествие
14.00, 15.20 Т/с «Москва.
Три вокзала»
18.40 Т/с «Одиссея сыщи-
ка Гурова»
20.30 Т/с «Шеф»
22.50 Т/с «Закон и поря-
док»
00.50 Дачный ответ
01.55 Т/с «Брачный кон-
тракт»
03.55 Все будет хорошо!

